Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 68 (7208). ● 8 апрель, 1980 йил ◆ ● СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БАЙРАМИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1980 йил 19 апрелда Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигини ўтказиш республика штабининг мажлиси бўлиб ўтди. Шанбаликка тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, Тошкент трактор заводи партия комитетининг секретари Х. Н. Шагиев, «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. Набиев, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри М. Х. Қурбонов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари К. П. Дудин ахборот бердилар.

Сўзга чиққан нотиқлар корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг коллективларида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун жўш урган меҳнат ғайрати тўғрисида гапирдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Коммунистик шанбаликни ўтказиш республика штабининг раиси И. Г. Анисимкин гапириб, Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалиғини ўтказиш борасидаги ташкилий ва сиёсий ишларни тағин ҳам кучайтиришда партия комитетлари, совет ва хўжалик ташкилотларининг вазифаларини белгилаб берди. И. Г. Анисимкин ўз нутқида таъкидладики, шу куни ҳамма коллективларда энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, энг кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш, катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини, шунингдек ҳиёбонлар, парклар, кўчаларни супириб-сидириб тартибга келтириш ишларини бажариш, дов-дарахт, гул кўчатлари ўтказиш, бино ва иншоотларни оқлаш ва бўяш ишлари бажарилишига эришиш зарур. Шанбалик кунида тежалган материал ва хом ашё ресурслари билан ишлашга, ҳамма ишларни транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашга нуқтада катта эътибор берилди.

Штаб мажлисининг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев қатнашди. (ЎзТАГ).

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ЖОНЛИ, ИЖОДИЙ ТУС ОЛСИН

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқидан келиб чиқадиган вазифалар идеология ходимлари активининг 7 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган республика йиғилишида кўриб чиқилди. Йиғилишда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, область ижрония комитетлари раисларининг ўринбосарлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, министрликлар ва идораларнинг, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг раҳбарлари, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари, агитация-пропаганда активлари иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов докладини қилди.

Шундай воқеалар борки, дели у, партиямиз билан давлатимизнинг шонли тарихига абадий ёзилиб қолади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга Ленин мукофоти берилиши ана шундай катта воқеалардан ҳам унутилмас воқеа бўлди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев чинакам халқчил, чинакам партиявий китоблари — «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» учун, тинчлик йўлидаги тинимсиз кураши учун ана шу юксак шарафга муяссар бўлди.

Трилогия муаллифи Леонид Ильич Брежнев — улуғ Ленин ишининг муносиб давомчиси, партиямиз ва давлатимизнинг эътиборли раҳбари, ҳозирги замонининг энг обрўли арбоби. Унинг ҳаёт йўли — содиқ ленинчининг, атоқли раҳбарнинг йўлидир. Унинг китобларида улуғ назарий донишмандлик ҳам, гоят бой амалий иш тажрибаси ҳам мужассамлашган. Уларда кишилар билан қандай иш олиб бориш, уларни қандай қилиб руҳлантириш тўғрисида қимматли маслаҳатлар топиш мумкин.

Леонид Ильичнинг доно ҳаётга оид фикрлари, унинг ҳаётга, одамларга, ўзига ва ўзгаларга талабчанлиги, ўзи ва ўзгалар ҳақида ҳаққоний ва ҳалол гапира олиши, ҳаётни ва одамларни чуқур ва ҳар томонлама билиши, ҳаётнинг ҳар қандай мураккаб масалаларини ҳам ҳал қилишга қодир бўлган ҳақиқий ленинча раҳбарлик услубини ўзида мужассам этган.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида идеология, сиёсий-тарбия ишларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқ бўлган вазифалар комплекси ўртага қўйилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига асосланиб қилинган ишларни синчиклаб таҳлил этиш, КПСС Марказий Комитети қарорини амалга ошириш соҳасида тўпланган тажрибани ўртоқлашиш, камчиликларни аниқлаш ҳамда идеология ишининг йўлга қўйилишини анча яхшилаш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаш, шу тариқа бу ишни ҳақиқатан ҳам янги погонага кўтариш ҳамда замон талабларига ва совет кишиларининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолга келтириш учун идеология ходимларининг ушбу республика партия активи йиғилишини чақиришга қарор қилди.

Республика партия комитетлари КПСС XXV съезди қарорларини, Марказий Комитет қароридаги талабларни бажара бориб, идеология, сиёсий-тарбия ишига раҳбарликни кучайтирдилар, уларнинг мазмуни билан чуқур шуғулланиб бошладилар. Партия ва ташкилотчилик ишининг бирлигидан иборат ленинча принцип алоҳида куч билан таъкидланган.

КПСС Марказий Комитети қарор қандай бажарилаётганини чуқур таҳлил этмоқда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини яхшилашнинг энг таъсирчан воситаларини белгилаб бермоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнева Ленин мукофоти топшириш билан боғлиқ тантанали йиғилишда у сўзлаган илҳомбахш нутқ КПСС Марказий Комитетининг мазкур қарорини бажаришга партия ва халқни янада яхшилаш тўғрисидаги қарори мана шундай пафосли дир.

Мана шу апрель кунлари ҳеч муболағасиз бу тарихий қарор босилиб чиққан кунга роса бир йил тўлади. Унда идеология, сиёсий-тарбиявий ишларнинг реал социализм имкониятларига мос келадиган даражасини таъминлаш лозим бўлган конкрет тадбирларнинг кенг системасини ишлаб чиқилган. Идеология ишини, республика Ёзувчилар союзининг бадиий адабиётни янада ривожлантириш, унинг ғоявий-сиёсий тарбия ишидаги ролини ошириш борасидаги фаолиятини, Сурхондарё область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботини, Самарқанд шаҳар партия комитетининг шаҳар олий ўқув юртлари ва техникумлари партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш ишини, Урганч шаҳар партия ташкилотининг раҳбар ходимларни коммунистик тарбия ишига қатнаштириш соҳасидаги ишини ва бошқа масалаларни муҳокама қилди. Биз келгусида ҳам шуларга ҳамиша ва ҳар ишда бизга ҳамдам, — уларда қурий ва талаба қозонишнинг ҳақиқий илми, коммунистик қурилиш актуал вазифаларини ҳал этишдаги тўғри компасимиз ифодалаб берилган.

Ижодкор, маънавий бой, уйғун равишда камол топган шахс бўлмиш янги кишини тарбиялаб вояга етказиш — бизнинг программавий мақсадимиздир. КПСС XXV съезди ва Марказий Комитетнинг съезддан кейинги қарорлари, жумладан, «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори мана шундай пафослидир.

Мана шу апрель кунлари ҳеч муболағасиз бу тарихий қарор босилиб чиққан кунга роса бир йил тўлади. Унда идеология, сиёсий-тарбиявий ишларнинг реал социализм имкониятларига мос келадиган даражасини таъминлаш лозим бўлган конкрет тадбирларнинг кенг системасини ишлаб чиқилган. Идеология ишини, республика Ёзувчилар союзининг бадиий адабиётни янада ривожлантириш, унинг ғоявий-сиёсий тарбия ишидаги ролини ошириш борасидаги фаолиятини, Сурхондарё область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботини, Самарқанд шаҳар партия комитетининг шаҳар олий ўқув юртлари ва техникумлари партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш ишини, Урганч шаҳар партия ташкилотининг раҳбар ходимларни коммунистик тарбия ишига қатнаштириш соҳасидаги ишини ва бошқа масалаларни муҳокама қилди. Биз келгусида ҳам шуларга ҳамиша ва ҳар ишда бизга ҳамдам, — уларда қурий ва талаба қозонишнинг ҳақиқий илми, коммунистик қурилиш актуал вазифаларини ҳал этишдаги тўғри компасимиз ифодалаб берилган.

Ижодкор, маънавий бой, уйғун равишда камол топган шахс бўлмиш янги кишини тарбиялаб вояга етказиш — бизнинг программавий мақсадимиздир. КПСС XXV съезди ва Марказий Комитетнинг съезддан кейинги қарорлари, жумладан, «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори мана шундай пафослидир.

Мазкур китоблар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг унга юксак мукофотни топшириш чоғида сўзлаган ёркин, илҳомбахш нутқи жуда катта сиёсий, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб партия ташкилотлари, идеология активи, барча ходимлар учун конкрет ҳаракат дастури, партиянинг ҳўжалик ва маданий қурилиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида ўртага қўйган вазифаларини муваффақиятли бажариш учун бундан буёнги кураш программасидир.

Республика идеология ходимлари партия активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладини тинглаб ва муҳокама этиб, республиканинг партия ташкилотлари кейинги вақтларда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини активлаштирганликларини қайд этади.

Идеология иши тобора конкрет, собитқадам бўлиб қолди, эндиликда бу иш ҳўжалик ва сиёсий вазифалар билан маҳкам боғлаб олиб борилмоқда, партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорларини, ўзининг беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилгандир.

Коммунистлар ва партиясизларга марксча-ленинча таълим бериш самарадорлиги ошди, лекция пропагандаси, оғзаки сиёсий пропаганда ва агитация яхшиланди, оммавий ахборот воситаларининг иш савияси юқори погонага кўтарилди, матбуотда коммунистик қурилиш ва тарбия мавзулари чуқурроқ ва ёрқинроқ ёритила бошлади. Адабиёт ва санъат янада ривож топди, республиканинг ижодий ходимлари мураккаб жанрлар ва йирик формаларга кўпроқ мурожаат этадиган, ҳозирги даврни теран ва кўп қиррали ифодалайдиган бўлиб қолдилар.

Меҳнаткашларни пролетар интернационализми ва совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашга, янги анъаналар, урф-одатлар, расм-русмлар, маданий кўникмаларни жорий этишга, турмушни коммунистик негизда ташкил этишга катта эътибор берилмоқда.

Партия ташкилотлари ёшларни тарбиялашга, уларнинг сиёсий онги, умумий таълим ва профессионал тайёргарлик даражасини оширишга, фаол, бунёдкорлик меҳнатига жалб этишга, физкультура ва спортни ривожлантиришга, йигит ва қизларни партия билан халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга доимо гамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Бевосита ишлаб чиқарувчи куч, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим омили бўлмиш фаннинг роли ошди.

Идеология ишининг кучайтирилиши республиканинг беш йилликнинг тўрт йили халқ хўжалик планларини, унинг тугалловчи йили топшириқлари ва мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишига баракали таъсир ўтказмоқда.

Актив йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг унга Ленин мукофотини топшириш чоғида сўзлаган нутқида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларга амал қилиб идеология ишининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши ҳамда замон талабларига ва совет кишиларининг эҳтиёжларига мос келадиган бўлиши учун бу ишнинг унинг барча йўналишларида жойда — ишлаб чиқаришда, жамоат фаоллиятида, турмушда одамларнинг ҳаётига жорий этилмоқда.

Шу билан бирга социалистик турмуш тарзимизга ёт бўлган юлғичлик, порахўрлик, жамиятдан кўпроқ ундириб олишга интилиш, хўжасизлик ва исрофгарчилик сингари ярамас иллатлар шу пайтгача ҳам тугатилган эмас. Ичкиликбозлик ва безорилик, бюрократизм ва одамларга бепарво муносабатда бўлиш, меҳнат интизомини ва жамоат тартибини бузиш катта иллатдир.

Ана шу салбий ҳодисаларга қарши курашда ғоявий ва маъмурий таъсир ўтказишнинг ҳамма шакл ва воситаларидан, жамоатчиликнинг ҳамма кучларидан фойдаланиш керак. Биз ёшларга бундан буён ҳам эътиборни бўшаштирмаслигимиз, уларни партия билан халқнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга муттасил эътибор бериб келмоқда. Рус тили интернационал тарбиянинг кудратли воситаси, бутун идеология иши муваффақиятининг гаровидир. Бу тилни ўрганиш, замонавий фан, техника, маданият ва санъат чўққилари йўлини очиш билан бирга, рус тилини билиш ҳаётий заруратга ҳамдир, уни чуқур ўзлаштириш эса энг муҳим ижтимоий-социал ва сиёсий вазифадир.

Партия, совет, давлат органлари турмуш маданиятини юксалтиришга доимо зўр эътибор билан қарамоқдалар. Қишлоқларда электр нури, газ, водопровод, канализация, марказий иситиш системаси билан таъминланган шинам аҳоли пунктлари жадал қурилмоқда. Республикада ўн мингтадан кўпроқ майда қишлоқ тугатилди. Минг-минглаб оилалар янги посёлкаларга кўчди.

Идеология ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларига боғлиқ эканини доимо эсда тутиш зарур. Корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, шаҳар ва қишлоқларда юксак унум билан меҳнат қилиш учун, мазмунли ва маданий дам олиш, аҳолининг роҳатланиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб қўйиш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш лозим.

Докладчи ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларнинг онгини шакллантириш соҳасидаги ишни батафсил таҳлил этди. Ўзбекистоннинг ҳозирги ёшлари амалда коммунистик бунёдкорлик жараёнининг фаол иштирокчиларидир. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳаётларини ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларини ривожлантириш, ўзларининг ҳаётий позицияларини мустаҳкамлаш асосида қурмоқдалар. Ёшларнинг ҳаётга, меҳнатга, одамларга, ўзига ва ўзгаларга муносабатида, уларнинг характерида, дунёқарашида, ҳаётий позицияларида кун сайин таъсир ўтказишдек ишимизнинг мураккаб, алоҳида масъулиятли участкасидаги самарадорлик ва сифат тўғрисида боряпти.

Леонид Ильич Брежневнинг ҳамма погоналар ва йўналишлардаги жамики тарбиявий ахборот, пропаганда ишига жонли, ижодий тус бериш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқлари биз учун программавий вазифа бўлиб қолиши лозим.

Партия ташкилотларининг коммунистик тарбия соҳасидаги кўп қиррали иши меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини кучайтиришда партия комитетлари, совет ва хўжалик ташкилотларининг вазифаларини белгилаб берди. И. Г. Анисимкин ўз нутқида таъкидладики, шу куни ҳамма коллективларда энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, энг кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш, катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини, шунингдек ҳиёбонлар, парклар, кўчаларни супириб-сидириб тартибга келтириш ишларини бажариш, дов-дарахт, гул кўчатлари ўтказиш, бино ва иншоотларни оқлаш ва бўяш ишлари бажарилишига эришиш зарур. Шанбалик кунида тежалган материал ва хом ашё ресурслари билан ишлашга, ҳамма ишларни транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашга нуқтада катта эътибор берилди.

Штаб мажлисининг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев қатнашди. (ЎзТАГ).

Бу ишда ҳар бир раҳбар ходимнинг, ҳар бир коммунистнинг ўз ишига ижодий ёндошиши, ўзи ва ўзгалардан ҳеч қачон рози бўлмаслиги, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ленинча принципиаллик ва талабчанлик, ҳаётни ва одамларни чуқур ва ҳар томонлама билиш, ҳаётнинг ҳар қандай мураккаб масалаларини ҳам ҳал қилишга қодир бўлган ленинча раҳбарлик услубини ўзида мужассам этган Компартиямиз Марказий Комитетининг ҳозирги замон тўғрисидаги, ўз халқимиз ва бутун дунё халқлари олдида турган улкан вазифалар тўғрисидаги ленинча концепцияси ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ленинизм — ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини ўзгартиришга, ҳаётимизни янги, ҳали ҳеч қачон бўлмаган сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қодир бўлган ҳаётий, ижодий таълимотдир. Ленинизм — ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини ўзгартиришга, ҳаётимизни янги, ҳали ҳеч қачон бўлмаган сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қодир бўлган ҳаётий, ижодий таълимотдир.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ЖОНЛИ, ИЖОДИЙ ТУС ОЛСИН

(Боши 1-бетда).

методларини такомиллаштиришнинг, бу ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг конкрет, илмий асосланган программасидир.

Ш. Р. Рашидов докладини тамомлаб туриб, бундай деди:

Оммани тарбиялашнинг ленинча услубини тинимсиз ўрганиш партиянинг йўл-йўриқларини тўла ҳажмда амалга ошириш, пропаганда ва агитациянинг илмий савиясини ошириш, унга жонли, ижодий ва ҳужумкор характер бахш этиш, унинг коммунистик қурилиш янги вазифаларини ҳал қилиш билан боғланишини кучайтириш — республика коммунистларининг, идеология фронти барча жангчиларининг шон-шараф ишидир. Бу иш КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун курашда республика меҳнаткашларининг куч-ғайратини, ижодий активлигини ривожлантиришга кўмаклашади.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар шуни айтиб ўтишдики, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари ва йўл-йўриқлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида партия ташкилотлари фаолиятининг тўғри компаси бўлиб хизмат қилади, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга, белгиланган планларни бажаришга ёрдам беради.

Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров КПСС Марказий Комитетининг программавий қарорида ўртага қўйган вазифаларни область партия ташкилоти амалда қандай рўёбга чиқараётганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Ана шу вазифалар ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, ҳар бир коммунист фаолиятининг асоси қилиб олинган. Идеология иши, коммунистик тарбия савиясининг оширилиши планларни дадиллик билан бажариш, Мирзачўлда «оқ олтин», чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни муттасил кўпайтириш, саноат потенциалини ошириш имконини беради. Бироқ областда идеология, сиёсий-тарбиявий ишларнинг сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш резервлари ҳали асло тугаган эмас. Партия ташкилотларининг шу соҳадаги фаолият самарадорлиги анча оширилиши мумкин ва лозим.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов ўз нутқида республика олимларининг КПСС Марказий Комитети тарихий қарорини бажариш билан боғлиқ бўлган кўп қиррали фаолиятига тўхталиб ўтди. Ҳозирги вақтда илмий коллективлар партия, ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган вазифаларни бажара бориб, тадқиқотлар самарадорлигини оширишга, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқаларини мустаҳкамлашга эътиборни жалб этмоқдалар. Кўпгина проблемалар, шу жумладан партия ташкилотларининг идеологик, сиёсий-тарбиявий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган проблемаларга доир тадқиқотлар муваффақиятли ривожланмоқда. Олимлар ҳал этилмаган масалаларга, илмий изланишлар самарадорлигини ошириш резервларига, лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришга эътиборларини жалб қилмоқдалар.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин йиғилишда нутқ сўзлаб, куйидагиларни айтди: республика ёзувчилари ҳаминша коммунистик қурилиш компасига мос равишда ижод қилиб келмоқдалар. Аммо ўз ижодимизда бугунги кун талабларига, Коммунистик партия ёзувчилар олдига қўяётган вазифаларга мос бўлиб тушадиган чиқакам чўққиларга эришмоқ учун ҳали ҳаммамизнинг кўп меҳнат қилишимизга тўғри келади. Бунда Леонид Ильич Брежневнинг ажойиб «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари адабиёт арбобларига ёрдам беради. Бу китоблар ажойиб маҳорат сабоғи, адабиётга чиқакам партиявий ёндашиш сабоғи бўлиб, Л. И. Брежневнинг унга ана шу асарлари учун Ленин мукофотини топшириш чоғида сўзлаган нутқида баён этилган аниқ-равшан йўл-йўриқлар ҳам шунга ёрдам беради. Ўзбекистон ёзувчилари совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашда, унинг гоят катта бунёдкорлик фаолиятида яна ҳам самаралироқ ёрдам кўрсатмоқ учун бутун кучларини бағишлайдилар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармасининг бошлиғи В. С. Родин КПСС Марказий Комитетининг қарори, шу қарорда ўртага қўйилган вазифаларни оширишда ҳарбийчилик билан рўёбга чиқариш совет кишиларининг тинч меҳнати посбонлигида турган жангчиларнинг жанговар шайлигини ошириш учун гоят катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. Партия ташкилотлари ҳарбий қисмларда таъсирчан идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш соҳасида бой тажриба тўплашган, ана шу тажрибани сабот билан такомиллаштириш ва кўпайтириш керак. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарларидан, совет халқи гитлерчи босқинчилар устидан қозонган ғалабанинг 35 йиллигига мамлакатда авж олдириб юборилган тайёргарликдан ёш авлодда шонли анъаналарининг давомийлиги ҳис-туйғусини тарбиялаш учун тўла-тўкис фойдаланиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг программавий қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари бизни идеология фаолиятини ҳар томонлама яхшилашга, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашда, унинг гоят катта бунёдкорлик фаолиятида яна ҳам самаралироқ ёрдам кўрсатмоқ учун бутун кучларини бағишлайдилар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармасининг бошлиғи В. С. Родин КПСС Марказий Комитетининг қарори, шу қарорда ўртага қўйилган вазифаларни бажара бориб, тадқиқотлар самарадорлигини оширишга, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқаларини мустаҳкамлашга эътиборни жалб этмоқдалар. Кўпгина проблемалар, шу жумладан партия ташкилотларининг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш соҳасида бой тажриба тўпланган, ана шу тажрибани сабот билан такомиллаштириш ва кўпайтириш керак. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарларидан, совет халқи гитлерчи босқинчилар устидан қозонган ғалабанинг 35 йиллигига мамлакатда авж олдириб юборилган тайёргарликдан ёш авлодда шонли анъаналарининг давомийлиги ҳис-туйғусини тарбиялаш учун тўла-тўкис фойдаланиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг программавий қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган талаблар руҳида тарбиялаш соҳасида комсомол ташкилотлари ҳал этаётган вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди. Республика ёшлари коммунистик жамият бинокорларининг фаол отряди бўлиб, экономика ва маданиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Коммунистик тарбияга комплекс ёндашиш — ана шу ҳиссани ялпа кўпайтиришнинг, ёшларнинг ҳаётда актив позицияда туришини шакллантиришнинг, уларда чуқур марксча-ленинча дунёқарашни, гоявий эътиқодни ҳосил қилишнинг гоят зарур шартидир. Комсомол ташкилотлари идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари керак.

Нукус Давлат университетининг ректори Ч. Абдиров студент ёшларни партия ҳозирги босқичда ўртага қўйган вазифалар руҳида тарбиялаш проблемаларига тўхталди. Ҳаётнинг ўзи бунинг учун гоят бой материал бермоқда. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар аҳолиси ёппасига саводсиз, қирилиб кетишга маҳкум бўлган Қорақалпогистонда ҳозир республикадаги учинчи университет ишлаб турибди, иқтисодий ва маданий ўсиш учун ҳамма шарт-шароитлар вужудга келтирилган. Партия ўртага қўйган вазифалар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари бугунги кунда студентлар ўртасида олиб борилаётган барча таълим-тарбиявий ишларни, олий мактаб коллективининг фаолиятини белгилаб бермоқда. Автоном республиканинг ҳамма жойида бўлгани каби бу иш собитқадамлик билан, ёшларни, барча меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш сифати ва самарадорлигини оширишнинг катта имкониятларини ҳисобга олувчи кенг план асосида олиб борилмоқда.

Актив йиғилиши ишида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Қишлоқ хўжалик министри В. К. Месяц, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусаҳонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова қатнашдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан қабул қилинган қарорда республикадаги идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштиришнинг конкрет йўллари кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Илгари хабар қилинганидек, 1979 йилда дон, пахта ва бошқа хил деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва кўпайтириш бўйича план ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги шавқатли меҳнати ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган улкан муваффақиятлари учун қишлоқ хўжалиги илғорлари, партия, совет ва комсомол ходимлари СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан СССР орден ва медаллари билан тақдирланган эдилар.

4 апрелда Тошкент область партия комитетида партия, совет ва комсомол ходимларининг катта группасига ҳукуматнинг юксак мукофотлари топширилди. Мукофотларни СССР Олий Советининг депутати, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳонов топширди.

Тошкент область партия комитетининг секретари А. И. Икромовга, «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасининг Тошкент область «Садвинсовхоз» трести директори С. А. Аҳмедовга, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти кафедра мудири Ҳ. А. Аҳмедовга Меҳнат Қизил Байроқ орденлари топширилди.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқуловга Халқлар дўстлиги ордени топширилди.

Мукофотланганларнинг катта группасига «Ҳурмат белгиси» ордени, «Шавқатли меҳнати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллари топширилди. * * *

Тошкент район қишлоқ хўжалиги илғорларига ҳам ҳукуматнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

СССР Олий Советининг депутати, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳонов Навоий номли колхоз аъзоси М. Каримовага Ленин ордени топширди. Охунбобаев номли колхознинг бош инженери А. Аҳмадхўжаева, Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Т. Толиповга, «Тошкент» совхозининг ишчиси Г. Даминовага, Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи Р. Қаюмовга, Собир Раҳимов номли колхоз аъзоси Ҳ. Ҳикматовага, С. Раҳимов номли колхоз аъзоси Б. Эргашевага Меҳнат Қизил Байроқ орденлари топширилди.

«Ленин йўли» колхозининг тракторчиси К. Жалиловга ва «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг раиси Т. Мирзаевга Халқлар дўстлиги орденлари топширилди.

Мукофотланганларнинг катта группасига «Ҳурмат белгиси», «III даражали Меҳнат шуҳрати» орденлари, «Шавқатли меҳнати учун» ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллари топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва касаба союз ташкилотларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Тошкент область касаба союзлари Совети раиси ўртоқ Анатолий Васильевич Бранловга **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ** фахрий унвони берди.

ТАЖРИБА

АЛМАШДИЛАР

Паркент районида ташкилий-партиявий ҳамда сиёсий-оммавий ишларни такомиллаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда хўжаликлар, турли муассасалар партия ташкилотларининг секретарлари, шунингдек, касаба союз комитетларининг раислари, комсомол ташкилотларининг секретарлари иштирок этдилар.

Семинарда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори бошланғич партия ташкилотларида қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида ахборотлар тингланди. Шунингдек, йиғилишда партия ташкилотларининг структурасини янада такомиллаштириш, жамоат ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш, меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари билан ишлашни яхшилашга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Семинарда сўзга чиққанлар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва 19 апрель — Коммунистик шанбаликка тайёргарлик бўйича олиб борилаётган оммавий-сиёсий, гоявий-тарбиявий ишларга кенг тўхталдилар. Шу билан бир қаторда тарбия ишига комплекс ёндошиш, социалистик мусобақани ташкил этиш, идеология ходимларининг активлигини таъминлаш бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар тингланди. Семинар қатнашчилари ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1979 йилда дон, пахта ва бошқа хил деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича план ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги шавқатли меҳнати ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган улкан муваффақиятлари учун қуйидагилар **мукофотлансин**:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Рўзиметов Маҳкам — Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетаси 50 йиллиги совхози ишчиси.

Рўзибоев Холмат — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори.

Рустамов Бакир — Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз бригада бошлиғи.

Рустамов Жума — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз сувчиси.

Рустамов Йўлдош — Бекобод районидаги Мавлонов номли совхоз ишчиси.

Рустамова Жанглишой — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоси.

Руфатова Собила Назимовна — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози аъзоси.

Собиров Омон — Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунулов номли колхоз трактори.

Сайдаҳмедова Баҳри — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Салимбеков Олимбой — Чиноз районидаги Жамбул номли совхоз ишчиси.

Солихов Миргиёс — Оҳангарон районидаги Будённий номли совхоз бригада бошлиғи.

Сангинов Саидаҳмад — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригада бошлиғи.

Сапарбоев Умрзоқ — Чиноз районидаги Жамбул номли совхоз механизатори.

Сатторов Саидмурод — Каминн районидаги «Москва» совхози шофери.

Сафаров Холбой — Оҳангарон районидаги Серго номли совхоз бригада бошлиғи.

Сиддиқова Жамила — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Сапаров Турдиқул — Бўка районидаги «Коммунизм» колхози сувчиси.

Субҳонов Ғайрат — Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози раисининг муовини.

Сувонқулова Ҳалима — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Сулаймонова Ҳонима — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Султонов Виктор Абдураҳмонович — Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш ва сифати бўйича Тошкент область давлат инспектори.

Султонов Юсуп — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи.

Сутинбоева Розия — Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз пиллачиси.

Сухорукова Геннадий Яковлевич — Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхоз-саноат комплекси тракторчиси.

Суюнова Роҳат — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози ишчиси.

Тожибоев Абдуғофур — Бекобод районидаги «Авангард» совхози тракторчиси.

Тожиев Ҳамон — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози бригада бошлиғи.

Тожиев Солижон — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз бригада бошлиғи.

Тожиев Турдибой — Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

Тайлибоев Малик — Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Талалайко Лидия Ивановна — Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг катта лаборанти, Оржоникидзе райони.

Тошева Маҳмуза — Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози звено бошлиғи.

Тошпўлатова Бибироби — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Тошпўлатова Тожи — Академик Р. Р. Шредер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, Тошкент области.

Трухов Петр Степанович — Чиноз район бош пиллахонасининг участка агрономи.

Туленов Ўнғар — Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз бригада бошлиғи.

Тўлаганова Рихси — Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

Тўраева Бувизоҳида Бектургановна — Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Тўрақулов Етмиш — Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози тракторчиси.

Туронов Саид — Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхоз шофери.

Туронова Гулсара — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Турдиматов Ортиқмат — Бўка районидаги «Ленинобод» колхози участка агрономи.

Турдибоев Мўминқул — Бўка районидаги Ильич номли колхоз сувчиси.

Тухлибоев Аликул — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози механизатори.

Уккибоева Мукар — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Умарқулов Эгам — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз тракторчиси.

Умарова Турсуной — Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Умерова Зулайҳо — Педагогика билим юрти талабаси, Бекобод шаҳри.

Умурзокова Ўғилой — Чиноз районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Урозова Жангишой — Ғалаба районидаги Димитров номли колхоз аъзоси.

Уринбоев Ўктам — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Уришбоев Хазраткул — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Усмонов Ахаткул — Бекобод районидаги «Ленинград» совхози ишчиси.

Усмонов Умарали — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз ишчиси.

Усмонова Қуралай — Чиноз районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Ўтбосаров Турғун — Ўртақўл районидаги «Коммунизм» колхози раиси.

Ўтбосарова Мукар — Коммунистик районидаги 4-«Коммунист» совхози ишчиси.

Файзиева Раъно Фаисхоновна — Теплицалар қуриш ва фойдаланиш комбинатининг сабзавоткор мастери, Калинин райони.

Хожибоев Собир — «Госкомсельхозтехника» Бўстонлиқ район бирлашмасининг слесари.

Ҳайдарова Кумри — Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози звено бошлиғи.

Ҳайдарова Хонбиби — Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Ҳайруллаев Тоғук — Пискент районидаги Вахрушев номли совхоз-завод тракторчиси.

Ҳайтметова Замира — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Ҳакимбоев Зокир — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз сувчиси.

Ҳакимов Наимжон Собирович — Ўзбекистон Компартияси Калинин район комитетининг инструктори.

Ҳакимулин Бахтиёр Екубович — Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози темирчиси.

Ҳолиқов Абдулла — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози тракторчиси.

Ҳолиқулов Иброҳим — Пискент районидаги «Гулистон» колхози механиги.

Ҳалилова Ойша — Калинин районидаги «Бўзсув» совхози ишчиси.

Ҳалилова Қизларой — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз ишчиси.

Ҳамидова Муҳаррам — Академик Р. Р. Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, Тошкент райони.

Ҳамроқулов Хурсан — Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози ишчиси.

Ҳан Спартак Иванович — Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бош агрономи.

Хасанбоев Анорбой — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз сувчиси.

Хасанов Миргани — Оққўрғон районидаги «Озод» колхози шофери.

Хатамова Гулдаста — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Ҳафизова Муҳаррам — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоси.

Хван Ендю — Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Хван Клавдия — Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Хўжаева Жамила — сабзавотчилик-полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалиги теплица комбинатининг сабзавоткор мастери, Тошкент райони.

Хожикелдиева Авас — Оққўрғон районидаги Ботинцев номли колхоз аъзоси.

Холбоев Қаюм — Бўка район ўсимликларни ҳимоя қилиш ишлаб чиқариш отрядининг участка бошлиғи.

Холбоев Шербой — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз бригада бошлиғи.

Холматова Меҳриниса — Тошкент қишлоқ хўжалик институти студенти, Оржоникидзе райони.

Худойберганов Раимберди — Бўстонлиқ районидаги К. Маркс номли колхоз раисининг муовини.

Худойберганова Ҳосият — Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Хўжабеков Раҳмон — Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз бригада бошлиғи.

Хўжанова Раҳима — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Хулмиддинов Турдибек — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз шофери.

Хусанова Зарипа — Тошкент районидаги Абдураҳмонов номли совхоз ишчиси.

Хусанова Потма — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози аъзоси.

Хусанова Сапаргул — Бўка район суғориш шохобчалари бошқармасининг регулировкачиси.

Чекалидзе Жумали — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози бригада бошлиғи.

Чикванова Зоя Степановна — «Госкомсельхозтехника» Чиноз район бирлашмасининг слесари.

Чўтбоев Акбар — Бекобод районидаги «Далварзин» совхози бригада бошлиғи.

Шодиев Қозоқбой — Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози бригада бошлиғи.

Шокиров Рустам — Коммунистик районидаги Янгибозор пахта тайёрлаш пунктининг механиги.

Шамсиев Нажим — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози шофери.

Шамсиев Хикматулла Норхўжаевич — Тошкент область суғориш шохобчалари бошқармасининг катта инженери.

(Давоми бор).

ДУНЁ ОВОЗИ

чет эл хабарлари

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ КИТОБЛАРИ ИТАЛИЯДА

РИМ, 7 апрель. (ТАСС). «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китобларини итальян тилида биринчи бўлиб бизнинг нашриётимиз чиқарганидан жуда хурсандмиз,— деди «Эдитори риунити» акциячи нашриёт жамиятининг директори Роберто Бонк'о ТАСС мухбирига. — Л. И. Брежневнинг уруш даврини тасвирлайдиган ва совет халқининг тинч бунёдкорлигига бағишланган китоблари юксак инсонпарварлик, зўр дилкашлик руҳи билан суғорилган. Уларда Леонид Ильич Брежнев ўзи билан бирга ишлаган кишиларнинг ёркин, эсда қоладиган образларини яратган ҳамда ўша йилларнинг завқ-шавқли муҳитини ишончли тарзда тасвирлаган.

КПСС билан Совет давлати раҳбарининг Италияда нашр этилган асарлари ҳеч шубҳасиз, совет ва итальян халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни ва анъанавий дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ишига катта ва фойдали ҳисса бўлиб қўшилади, деб таъкидлади Р. Бонк'о. «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» трилогиясини «Эдитори риунити» нашриёти икки марта чиқарганлиги Л. И. Брежнев китобларининг оммага ғоят манзур бўлганлигидан далолат беради, деб уқтирди у.



СЕКЕШФЕХЕРВАР шаҳридаги «Видеотон» комбинати Венгрияда радио ва телевидение аппаратлари, электрон-ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқарувчи энг йирик корхонадир. У социалистик интеграцияда фаол қатнашмоқда. Барча «ақлли» машиналарнинг 70 процентга совет буюртмалари бўйича тайёрланади. Суратда: тайёр маҳсулот текширяб кўрилмоқда.

МТИ — ТАСС фотоси.

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

ШОНЛИ САНАЛАР ШАРАФИГА

БУДАПЕШТ. Республика нефть ва газ қазиб чиқариш саноатининг меҳнаткашлари ишлаб чиқариш соҳасида рекорд даражага эришганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Шу йилнинг биринчи кварталида мамлакат планда белгиланганидан 200 миллион куб метр кўп табиий газ олди. Тармоқ корхоналарининг ишчилари, техниклари ва инженерлари ВСИПнинг XII съезди ва Венгрия фашизмдан халос бўлган кунининг 35 йиллиги шарафига кенг қулоч ёзган социалистик мусобақа туфайли шу муваффақиятларга эришганликларини айтмоқдалар. Илғор усуллар, самарали рационализаторлик таклифлари жорий этилиши меҳнат унумдорлигини анча оширишга олиб борди.

ДАНИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ ПЛЕНУМИ

КОПЕНГАГЕН. Дания пойтахти яқинида ишчилар яшайдиган Брендбю шаҳарчасида Дания Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVI съезди ўз ишини тамомлади. Унинг ишида минтга яқин делегат, партия ветеранлари, илғор ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек меҳмонлар — йигирмадан ортиқ кардош партиянинг вакиллари, шу жумладан КПСС делегацияси қатнашди.

Съезд делегатлари Дания Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладини муҳокама қилдилар, ревизия ва контроль комиссияларининг ҳисоботларини тингладилар. Улар партия программаси ва уставига қўшимча ҳамда ўзгартишлар ҳам киритдилар, Дания Компартиясининг раҳбар органлари янги составини сайладилар. И. Енсен яна Дания Компартиясининг раиси этиб сайланди.

Делегатлар съезд манифести ва резолюцияни маъқулладилар, бу ҳужжатларда Дания коммунистларининг меҳнаткашлар манфаатлари учун, монополияларнинг зулмига қарши, тинчлик ва социализм учун курашдаги бош вазифалари белгиланди.

ШРИ ЛАНКА КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

КОЛОМБО. Бу ерда Шри Ланка Коммунистик партиясининг яқинда бўлиб ўтган XI съездида сайланган ШЛКП Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Бугун матбуотда эълон қилинган баёнотда айтилишича, пленум Марказий Комитетнинг 15 кишидан иборат Сиёсий бюросини сайлади.

С. А. Викремасинг ШЛКП Марказий Комитетининг раиси, К. П. Сильва ШЛКП Марказий Комитетининг бош секретари қилиб сайланди.

19—20 апрель кунлари ШЛКП Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми бўлади. Унда Шри Ланка Компартиясининг бошқа раҳбарлари сайланади.

БОЙКОТГА ИУЛ ИУҚ

САН-ФРАНЦИСКО. Шаҳар жамоатчилигининг вакиллари Лос-Анжелесдаги Ж. Картер сайлов кампаниясини ўтказувчи қароргоҳ биносига кириш йўлини тўсиб, «Олимпиадани бойкот қилишга йўл йўқ!» деган плакатларни кўтариб турибдилар. Улар Оқ уйнинг Олимпиадага қарши кампаниясидан кескин норози эканликларини билдирдилар. Оқ уй Америка спортчиларидан ўзининг разил сиёсий найрангида ўйинчоқ ролида фойдаланишга интилмоқда.

Намойишни ташкил этган «Олимпиада ўйинларини қўллаб-қувватлаш комитетининг баёнотида таъкидлаб ўтилишича, тобора кўпроқ америкаликлар сиёсатчиларнинг спортга аралашишини қораламоқдалар. «Тинчлик ва ҳақиқий миллий манфаатларни кўзлаб Америка спортчиларига Москва Олимпиадасида қатнашиш имконияти берилиши керак. Картернинг бойкот қилиш тўғрисидаги чақириғини бутун дунё рад этмоқда»,— дейилади ҳужжатда.

ЯПОНИЯНИ ДОВУЛ БОСДИ

ТОКИО. Япониядаги минглаб пассажирлар бугун пландаги сафарга чиқа олмадилар. Мамлакатнинг ғарбий районларига кўкламги бўрон ёпирилиши оқибатида ички авиация йўлларидаги 167 та сафар бекор қилинди. Тезюовар темир йўл орқали йўлга чиқишга қарор берган кўп йўловчиларнинг ҳам омади келмади. Довул натижасида йўлнинг анча қисмидаги электр сими узилиб кетиб, йўловчилар сим уланишини узоқ вақтгача кутиб қолдилар.



КОММУНИЗМ КИШИСИНИНГ МУЖАССАМ ТИМСОЛИ

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик ила от...
Алишер НАВОИЙ.

Доҳийнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида унинг замондошлари хотиралари, совет ва жаҳон прогрессив адабиёти намуналарини ўрганиш бекиёс тарбиявий аҳамиятга молик қимматли бой хазинадир.

Ленинномаларда ифодаланган доҳийга хос буюк коммунистик эътиқод, инсонпарварлик, кудратли темир ирода, маслак йўлидаги мардона кураш, революцион жасорат, тил ва дил бирлиги, ҳаққонийлик каби фазилатлар ҳар биримиз учун идеал инсон рамзи бўлиб қолади.

Шу жиҳатдан, ёшларни В. И. Ленин намунасида тарбия қилиш борасида биз, ота-оналар, мураббийлар ва кенг жамоатчилик учун Ленинномалар бебаҳо хазина бўлиб хизмат қилади.

Очерклари ўқиб, таҳлил қилган киши кўз ўнгида доҳийга хос такрорланмас жисмоний ва маънавий баркамоллик, ўткир зеҳн, ўта донишмандлик, принципиал катъиятлик характерлари намоён бўлади.

Улуғ доҳий сиймосини ўрганиш мактаб ўқув программаларида ҳам ўз ёркин ва эътибли ифодасини топган. Илгор педагогикамиз бошловчилари Совет давлатининг дастлабки кунлариданоқ В. И. Ленин образи намунасида ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш борасида ижодий изланиш олиб бордилар, бу нурбахш анъана совет мактабида таълим-тарбия ишларини ривожлантиришда муҳим тарихий роль ўйнамоқда.

Ўзбек совет мактабларида ҳам ёшларни Ленининг мукаддас иши ва ғоялари руҳида тарбиялаш ўз тарихига эга. Абдулла Авлоний, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Қори Ниёзий, О. Шарофутдинов сингари педагогикамизнинг кўзга кўринган намояндалари бу ишга катта ҳисса қўшдилар. Мактабларда ёшларни ленинизм ғоялари руҳида тарбиялаш бўйича дастлаб қўлланилган тадбирлардан асосан кўнидагиларни кўрсатиш мумкин:

Революцион байрам кунларининг нишонлаш пайтларида В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти ҳақида докладлар қилиш;

Мактабларда махсус Ленин соатлари ўтказиш;

Доҳий ҳаётига бағишланган деворий газеталар чиқариш;

Ленин бурчаклари ташкил қилиш;

Дарсларда Ленин ҳақида қисқача суҳбатлар ўтказиш.

Булардан ташқари, доҳий билан кўришган кишиларни учрашувларга таклиф қилиш ҳам Ленин ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш учун катта хизмат қилиб келган.

Ёшларни Лениндан ўрганишга, у яратган ҳаёт мактабидан баҳраманд бўлишга ўргатиш эндиликда мамлакатимизнинг ҳамма ерида барқарор аҳлоқий гўзал анъанага айланиб қолди. Мактабларгаги биринчи дарс В. И. Ленин ҳақидаги ҳикоя билан бошланади. Ўқувчилар бу дарс вақтида Ленин васиятлари қандай амалга ошаётганлиги, совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида доҳий башорат қилиб айтган буюк ваънфаларни қандай бажараётгани ва у қўлга киритган оламшумул галабалар ҳақидаги ҳикояларни марок билан тинглайдилар. Қўли синфдардан тортиб ўқувчилар доҳий ҳаёти, у ўсган оила ҳақида таъсирли таассуротларбўладилар.

Совет ёшларига коммунистик тарбия беришда бу каби аҳлоқий тадбирларнинг янгидан-янги формаларидан фойдаланиш борасида анчагина изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1977 йил май Пленумида сўзлаган нутқида, «Ўрта мактабда буюк Ленининг ҳаёти, фаолияти ва асарларини, КПСС ҳужжатларини ўрганишга бағишланган III Бутуниттифоқ илмий конференцияси материалларида бу муҳим мавзу атрофлича ёритилган. Бу ҳужжатлар ёш авлодни ленинизм ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига кўшилган катта ҳиссадир.

Фарзандларимизни Ленинномалар асосида ленинча руҳда тарбиялашнинг турли форма ва методлари ҳақида фикр юритар эканмиз, бир неча илғор мактабларнинг тажрибаси, тарбиявий иш услуби ҳақида қисқача сўзлаб ўтишни лозим топдик. Қозоғистон Маориф министрлиги томонидан ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, деярли ҳамма мактабларда бу соҳада мамнунлик билан ҳикоя қилса арзигудек ишлар олиб борилаётир.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 13-мактабда бўлганимизда бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Исломованинг Ленинниинг болалиги ҳақида ўтказган машғулотидан жуда таъсирландик. Аввало, мураббий доҳий ҳақида бой материал тўплаган. Ёш Владимирнинг болалик йилларига оид кўпдан-кўп хотиралар, фотоальбомлар мавжуд. Бутун дарс давомида ўтил-қизлар муаллиманинг Володя ҳақидаги ҳар бир сўзини чурқ этмай сеҳрланиб тинглашарди.

Тарбиячи Н. И. Ульянова-Елизарованинг Ленининг болалик чоғлари ҳақидаги хотирасини шундай ифодалаб ўқиди: **«Володя ҳар қанча шўх ва ботир бўлса ҳам ишга жиддий қарашга одатланганидан у дарсларни диққат билан тингларди. Ўша вақтларда Володяннинг ўқитувчилари таъкидлашларича, унинг ана шу зийраклиги, зўр қобилияти унга ҳар қандай янги дарсни сингдиришга, яхши тушуниб олишга имкон берарди».**

Мураббий Володянинг, айниқса, ўзидан кичик, заифроқ болаларга нечоғлик меҳрибонлиги, бир бор ойисига ёлғон гапириб қўйиб, қанчалик изтироб чекканлиги ҳақида ҳам берилиб сўзлади.

Бундай машғулотлар сўзсиз — болалар қалбида бир умрга абадий муҳрланиб қолади. Худди шундай мазмунли машғулотларни шу райондаги 45-мактабнинг биринчи синф ўқитувчиси Шоҳида Толипова дарсларида ҳам кузатишга муяссар бўлдик.

Дарҳақиқат, В. И. Ленин коммунистик жамият кишисининг энг ёркин тимсолидир. Лениндаги улуғвор сифатлар, ундаги юксак аҳлоқий фазилатлар, аввало биз мураббий ва жамоатчилик учун катта бир дорилфунундир. Ёш авлодни Ленин намунасида, Лениндек баркамол чин инсон қилиб тарбиялаш — биз педагоглар, қолаверса бутун жамоатчиликнинг шарафли ва энг мукаддас бурчидир.

Раҳим УСМОНОВ,
педагогика фанлари кандидати.

Хўжамамедовлар оиласида беш ўғил вояга етди. Улар орасида Муллаўрозгина савод чиқариш бахтига муяссар бўлган эди. У бироз муддат Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрди. Лекин, мадрасани тугата олмади. Моддий жиҳатдан қийналганлиги туфайли ўқишни ташлашга мажбур бўлди. Шундай бўлса-да, Муллаўроз ўз тенгдошлари орасида энг саводхон кишилардан ҳисобланарди.

Россияда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонганида Муллаўроз Хива хонлиги территориясида яшовчи у қадар катта бўлмаган Туркман машриқлар тўдасига бошчилик қиларди. Совет ҳокимияти Россия таъсирида бўлган Хивага ҳам бутунлай мустақиллик берди. Лекин, мусулмон халқларининг асрий душмани — инглиз империалистлари Хиванинг кучсизлигидан фойдаланиб, бу қолоқ ўлкани Совет ҳокимиятига қарши курашнинг ўчоғига айлантирмоқчи бўлдилар.

1918 йилдаёқ ички контрреволюцион кучлар инглиз махсус хизмати ходимлари ёрдамида Хивада давлат тўнтариши қилдилар. Бунинг натижасида чет эл разведкаси феодал қабила бошлиқларидан бирига айлантирган Жунаид Хоннинг феодал диктатураси ўрнатилди.

Янги ҳоким ўзининг нафлос суянчиқлари — Эрондаги инглиз қўшинларининг қўмондони, генерал Маллессон ва Қашқардаги инглиз консули полковник Эссертон билан мустаҳкам алоқа боғлади. Агар халқ бош кўтаргудек бўлса, у ярамас иттифоқчиси қуролларидан фойдаланишни мўлжаллаган эди.

Жунаид Хон ва унинг малаклари ўтказиб келаётган сиёсат натижасида Хива хўжалиги оғир аҳволга тушиб қолди, очарчилик бошланди. Халқнинг ҳар қандай норозилиги учун қаттиққўллик билан ўч олинар эди. Мамлакатда террорлик режими ўрнатилди. Бу халқ сабр-косасини лиммо-лим тўлдириб юборди. 1919 йилнинг ноябрь ойида оломон золимларга қарши бош кўтарди.

Қўзғолончилар орасида машриқлар тўдаси ҳам бор эди. Тўда бошлиғи, садоқатли мусулмон Муллаўроз Хўжамамедов Хон байроғи остига тўпланган диндорларни ўзига ўхшаш мусулмонларни қийнаб ўлдираётганлигига юрагида кетмас бир алам билан қаради. Айни вақтда Қизил Армия сафига бирлашган турли миллат вакиллари барча халқларга озодлик ва осойишталик улашмоқда эдилар.

Доҳий ҳадя этган соат

Қўзғолон раҳбарлари Совет Туркистони ва РСФСР ҳукуматига феодал золимларга қарши курашда Хива халқига ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилдилар. Мурожаатномада шундай дейилган эди: «Хива аҳолиси Жунаид Хон тўдасининг қийноқлари остида яшамоқда. Улар Совет қўшинларини келиб Хивани озод қилишларини сабрсизлик билан кутаётирлар. Хива халқи эзилганларга эрк бахш этаётган Қизил Армия жангчиларига қардошлик саломини йўллайди ва озод Совет Россиясига қўшилишни истайди».

Ёрдамга етиб келган Қизил Армия жангчилари қўзголончилар отрядлари билан биргаликда Хон қўшинларини тор-мор қилдилар.

1920 йилнинг апрель ойида халқ вакиллари биринчи Умумхоразм қурултойи Хоразм Халқ Совет Республикасини эълон қилди ва Халқ Назирлар (Министрлар) Советини — ҳукуматни ташкил қилди. Тўда раҳбари Муллаўроз Хўжамамедов эса янги ҳукуматда ташқи ишлар министри лавозимини эгаллади.

Табиийки, кичкинагина Хоразм Республикаси ички контрреволюционерлар ва инглиз интервентларига қарши курашда кучсизлик қилар эди. Шунинг учун ёш давлат раҳбарлари ўзларининг ишончли дўст қўшниси — Совет Россиясига ёрдам сўраб мурожаат қилдилар.

РСФСР ва Хоразм Республикаси ўртасида шартнома тузиш учун Москвага ўрта Осиёдаги янги Совет Республикаси вакилларининг мухтор делегацияси юборилди. Делегация орасида Муллаўроз Хўжамамедов ҳам бор эди. 1920 йилнинг 13 сентябрида қардош республикалар ўртасида шартнома тузилди.

Совет Хоразми вакиллари Москвада бўлган вақтларида Владимир Ильич Ленин билан учрашдилар. Бу учрашув ҳақида шундай ҳикоя қилинади.

...Ленининг Хоразм вакиллари билан суҳбати ниҳоясига етди. Муллаўроз Совет ҳукуматининг бошлиғига миллий тўн кийдириб, шойи қийиқ боғлади. Владимир Ильич тўнни кияр экан, мамнун жилмайди. Чўнтагидан тасмали соат чиқариб, меҳмонга тақдим этди ва бу совғани қабул қилишини сўради.

Шундай қилиб Ленининг соати узоқ Хоразмга келиб қолди. Мана, 60 йилдирки, доҳий ҳадя этган соат Хўжамамедовлар оиласида сақланмоқда.

Муллаўроз Хўжамамедов сермазмун ҳаёт кечирди. Ҳозир у умрининг сўнгги йилларини ўтказган кўҳна Ургенчда меъморлик доска ўрнатилган. Бу ёдгорлик Ленин билан учрашган революционер хотирасини абадийлаштириб турибди.

Маргарита ДМИТРИЕВА,
АПН мухбири.

ЧИНОЗ РАЙОНИДА

ТИНЧЛИК ФОНДИ УЧУН

Москвалиқларнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари ҳам доҳий туғилган куни шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбаликда актив иштирок этишга аҳд қилдилар.

Ўтган йили ўтказилган шанбаликда колхоз аҳли 3800 сўм маблағни совет тинчлик фондига ўтказган эди. Бу йил эса 4000 сўм маблағ ана шу фондга ўтказилади. Бундан ташқари 19 апрель куни ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. 500 туп арча, минг туп чинор, минг туп гул кўчатлари ўтқазилади.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми клубида доҳий таваллудининг 110 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда «Октябрь 60 йиллиги» номидаги 42-, Чернишевский номли 5-, Ленин номли 15-мактаб ўқувчилари, 1-ҳунар-техника билим юрти ва «Чиноз» наслчилик совхози техникумининг талабалари «Ленининг болалик ва ўсмирлик чоғи», «Ленин Коммунистик партия асосчиси», «Ленин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг раҳбари ва ташкилотчиси», «Ленин дунёда биринчи социалистик давлат раҳбари» каби докладлар билан чиқишди.

Конференция сўнггида доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисидаги кинофильм ва ёшлар томонидан махсус тайёрланган концерт программаси намойиш этилди.

КОЛХОЗДА ШЕЪРХОНЛИК

К. Маркс номли колхоз клубида болаларнинг севимли шоирлари Қуддус Муҳаммадий ва Илёс Муслимлар билан қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Йиғилганлар севимли шоирларининг баҳор ҳақидаги ва ўқувчилар ҳаётига доир шеърларини катта олқишлар билан кутиб олишди.

Шеърхонликдан сўнг қизғин савол-жавоблар бўлди. Ўқувчилар Қуддус Муҳаммадий ва Илёс Муслимни фахрий пионерликка қабул қилишдилар. Учрашув охирида Акмал Пўлат номидаги 26-ўрта мактаб қошидаги бадиий ҳаваскорлар тўгарагининг «Шалола» ансамбли иштирокчилари иҳросида концерт намойиш этилди.

АКМАЛ ПЎЛАТ ХОТИРАСИГА

Ўзбек совет адабиётининг бугунги намолотида қўшиқчи — шоир Акмал Пўлатнинг ҳам муносиб ўрни бор. Шоирнинг ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматларини назарда тутиб, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўтган йили Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига ҳамда Чиноз районидаги 26-ўрта мактабга Акмал Пўлат номи берилган эди. Бу номнинг берилиши мактаб коллективи зиммасига катта масъулият юклади. Яқинда бу ерда шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирувчи музей жамоатчилик асосида ташкил этишга киришилди. Мактаб ўқувчилари педагоглар раҳбарлигида шоир расмлари ва китобларини тўпламоқдалар. Шоирнинг оиласи билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Ҳ. ШЕРОВА.



Кейинги йиллар ичида Тошкент районида саломатлик масканлари сони анча кўпайди. Суратда: яқинда фойдаланишга топширилган район 1-шифохонасининг лаборантлари Дилбар Рихсиалиева ва Инобат Муҳамедовалар иш устида. Ж. Тўраев фотоси.

«ЧОРВАДОР—80» ҲАРАКАТДА

КОМСОМОЛ ТУРМУШИ

Комсомол байроғидаги қўш-қўш орденлар унинг зўр жасоратидан дарак бериб турибди. Комсомол тиклаган корхоналар, бунёд этган шаҳарлар ватанимизнинг зўр индустриал марказига айланган. У ўзлаштирган ердан миллионлаб тонна пахта, буғдой, сабзавот, мева, турли ноз-неъматлар армуғон этмоқда.

Бугун партия ёшларни чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга, эл дастурхонини гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар билан тўкин-сочин қилишга чақирмоқда. Ленинча ёшлар эса умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшиш учун гайрат камарини маҳкам боғлаганлар.

Мамлакат экономикаси ривожининг бутун бориши, деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумида. — Халқ турмуш даражасининг муттасил ўсиб бориши ҳозир чорвачиликни янада тезроқ юксалтириш вазифасини биринчи планга қўймоқда.

Ҳаёлан шу йилнинг 15 январини эслайман. Область комсомолларининг XXI ҳисобот-сайлов конференцияси давом этарди. Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини изчил амалга ошириш бўйича қилинган ишлар атрофлича таҳлил қилинди ва келгуси давр учун режалар тузиб олинди. Худди шу куни 200 нафар қиз «Чорвадор-80» отрядига бирлашиб, конференция залидан фермаларга йўл олди. Қалб даъвати билан зарбдор участкага отланган комсомолларни ҳозир барча районларда кўриш мумкин.

Ёшлар аввал «Красний водопад» экспериментал базасида бўлдилар. Икки ҳафта давомида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чуднаянинг маслаҳатлари, бой тажрибаларидан баҳраманд бўлишди.

Ҳозир «Чорвадор-80» отряди аъзоларининг кўпчилиги мустақил ишлашяпти. Областимиз сут чашмасига барака киритишаяпти. Соцнализтик мусобақада актив иштирок этишмоқда.

Тўққиз нафар комсомол-ёш Оҳангарон райони чорвадорлари сафига қўшилган. Фотима Иброҳимова Ворошилов номли совхозидаги комсомол-ёшлар бригадасига аъзо. Унга 25 соғин сигир бириктирилди. Қисқа вақт ичида сотувчилик касбини тез ўзлаштириб олди. Фотима ҳар бош сигирдан 3500 килограммдан сут соғиб олишга сўз берди. Унинг сафдоши Зулайҳо Иброҳимова Куйбишев номли совхозда меҳнат қилмоқда. Актив комсомол аъзоси мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ фермага келиб согувчиларга ёрдамлашиб юрарди. Шунинг учун ҳам ишга тез кўникди. У ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яқинда оширилган мажбурият лоти отрядининг ҳар бир аъзосини ишга тайинлашга, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор бераяпти. Район комсомол комитетлари, хўжаликлар комсомол ташкилотлари ёш чорвадорларнинг ишлари билан кунда қизиқиб боришмоқда. Улар ўртасида илғор тажрибаларни оммалаштиришга аҳамият берилмоқда. Ёш чорвадорларнинг дастлабки мувaффақиятлари эса ишнинг тўғри йўлга қўйилаётганидан далолат бермоқда.

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхозда меҳнат қилаётган Дилбар Ўрмонова 20 сигирнинг ҳар биридан ҳар ойда 350 килограммга етказиб сут соғиб олаётир. Бу жуда яхши кўрсаткичдир.

Жойларда ёшларнинг ташаббус билан ишлаётганлари бизни қувонтирмоқда. Фермаларда комсомол бурчаклари ташкил этилган, мусобақа экранлари бор. Хўжалик ҳузурида тузилган бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари фермаларда концертлар кўрсатишмоқда. Комсомол ташкилотлари оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишлар даражасини оширib бормоқда. Қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу эса план ва мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида чорвадорларимиз олдида катта вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ҳал этишда ёшлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун курашмоқдалар. Бу йил чорвачиликдаги комсомол-ёшлар коллективлари сонини 134 га етказамиз. Ҳар бир соғин сигирдан ўрта ҳисобда 3500 килограммдан сут соғиб олишга эришиламиз. Областимизда иккита илғор тажриба мактаби иш олиб боради. У ерда ёш чорвадорлар ўз малакаларини ошириб борадилар. Бу йил комсомол йўлланмаси билан чорвачиликда ишлаш учун яна 900 йигит ва қизни юборишни кўзда тутилмоқда.

Комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини изчил амалга ошириш йўлида ишнинг барча форма ва методларидан тўла фойдаланишлари лозим. Социалистик мусобақанинг оммавийлиги ва ошкоралигини таъминлаш, ички резервлардан фойдаланиш зарур. Ҳар бир коллективда социалистик мусобақага оператив якун ясаб, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш даркор. «Комсомол прожектори» штаб ва постлари халқ контроли группалари билан ҳамкорликда системали равишда рейд ва текширишлар ўтказсинлар. Чорвадорларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча маданий, маиший шароитларни яратиб бериш учун гамхўрлик қилайлик.

Комсомол ташкилотлари чорвачилигида ишлаётган ҳар бир ленинчининг жанговарлигини ошириб боришлари керак. Чорва маҳсулдорлигини оширишда эришилган ҳар бир илғор тажрибани омманинг мулкига айлантирайлик. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш йўлида ички резервлардан унумли фойдаланиш ҳар бир ёш чорвадорнинг шарафли вазифасига айлансин. Шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

М. МАҲМУДОВ,
Область комсомол комитетининг секретари.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР СЕРМАҲСУЛ БЎЛСИН

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАЛАРИ

ЎТГАН 1979 йил областимиз қишлоқ хўжалигида улкан зафарлар йили бўлди. Пахта, сабзавот ва чорвачилик соҳасида сезиларли юксалишга эришилди. Областимиз қишлоқ хўжалик ходимларининг катта ютуғи Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди. Улар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини сурункасига иккинчи йил қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлиш учун курашда пойтахт область боғбон ва соҳибкорлари ҳам актив иштирок этиб, мева ва узум етиштиришни аввалги йиллардагига нисбатан анча кўпайтиришга эришдилар.

Бугунги кунда боғ ва токзорларимизда етиштирилаётган турли хил ширин-шакар мева ва узумлар Москва, Ленинград шаҳарлари ва кўплаб саноат марказлари, Сибирь, узоқ Шарқ ўлкалари ва ВАМ қурувчилари дастурхонини безамоқда. Шу билан бирга боғбон ва соҳибкорлар йил сайин мевали боғларни ва токзорларни кенгайтириб, ҳосилдорликни ошириб бормоқдалар.

Пойтахт областининг тупроқ ҳамда иқлим шароити тог ва тоғолди зоналарида ҳам боғдорчилик ва узумчиликни кенг ривожлантириш учун бирмунча қулай бўлганлиги ҳисобга олиниб янги Паркент районини ташкил этилди. Янги район асосан боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашади. Бу ерда кўплаб янги-янги мевали боғлар ва узумзорлар барпо этилади.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, мева ва узум турларини танлаш, уларни қайси зоналарда экиш кўпроқ фойда келтиришини ҳисобга олиш зарурдир. Бизнингча, янги боғ барпо этишда данакли меваларни кўпайтиришга эътибор берилса дуруст бўларди. Чунки, данакли мевалар ўрта Осиёда азалдан кўпгина хасталикларга даво бўладиган шифобахш ноз-неъматлардан ҳисобланиб келади. Аммо, ҳозирги кунга келиб данакли мевалар умумий боғларнинг 10—15 процентинигина ташкил этади, холос.

Данакли мевалар ичида ўрик кўпроқ тарқалган бўлиб, Паркент зонасидаги боғларнинг 19,5 процентини ташкил этади. Бу районда ташкил этилган янги хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари мевали боғлар барпо этишда ўрикнинг турли навларини кўпроқ жойлаштиришга ҳаракат қилсалар фойдадан холи бўлмасди. Айниқса, «Чотқол» ва «Бўстон» совхозларининг зинапоя усулида ташкил этилаётган трассаларида кўпроқ ўрик дарахти ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу дарахт тупроқ танламайдиган, тез амал олиб, ривожланадиган мевали дарахтлар туридан ҳисобланади. Бундан ташқари, ўрикнинг табобат соҳасидаги аҳамияти ҳам юксак қадрланади. Олимлар ўрик ва унинг елими ошқозон ҳамда ичак фаолиятини уйғунлаштиришини, туршак қайнатмаси эса сариқ ва гриппга қарши самарали эканлигини аниқлашган.

Паркент районида боғ ва токзорлар барпо этиш учун хўжаликларнинг қандай ихтисослашиши, зоналарнинг рельефи, тупроқ ва иқлим шароити, сугориш имкониятлари аниқ ҳисобга олиниши зарур. Бу мураккаб масалаларни тўғри ҳал этишда илмий-тадқиқот муассасаларининг тавсиялари ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг маслаҳатларига риоя қилиш фойдалидир. Масалан, «Бўстон», «Чотқол», «Коммунистик», «Коммуна» совхозларида ўрикнинг «Исфарак», «Қандак», «Субҳоний», «Аҳрорий», «Хурмоний» каби навларини, «Ленинобод» ва Энгельс номли совхозларда олманинг «Первенец», «Самарқанд», «Ҳосилдор» каби эртаки, «Тошкент баровинкаси» каби ўртаки, «Старт», «Кримсон», «Семеренко», «Кинг Девид» каби кечки навларини, беҳининг «Ўзбекистон», «Ширин», нокнинг «Кулола», «Қишки нашвати», «Восток», шафтолининг «Лола», «Оқ луччак», «Фарҳод» ва «Нектарин» навларини экиш шароитга жуда мос ҳисобланиб, боғлар тез ва дуркун ривожланади, барвақт ҳосилга киради, мева мўл бўлади.

Кўп меҳнат талаб қиладиган узумчилик географик шароит нокулай бўлганига қарамай, Паркент районида кенг тарқалган. Денгиз сатҳидан баландликка кўтарилган сари намлик кўпайиб, иссиқлик эса аксинча камайиб боради. Шунинг учун тог ва тоғолди зоналарида узумнинг эрта ва ўртапишар навларини танлаб экиш лозим. Чунки эртапишар узум тўла пишиб етилиши учун 2200—2300 даража, ўртапишар навлари учун 3200—3400 даража иссиқлик кифоя қилади.

Бу йил районимиз совхозларида асосан винобоп ва хўраки узум навларини экиш планлаштирилмоқда. Шу билан бирга машҳур «Паркатий» хўраки нав узум майдонларини кенгайтириш мўлжалланаётир. Бундан ташқари, тог ва тоғолди зоналарда жойлашган совхозларда «Қора кишмиш», «Пушти паркатий», «Пушти тойфий», «Хусайни» каби хўраки навларини ва «Мускат», «Рислинг», «Баян-Ширей», «Кулькинка» навларини, тог ва тоғолди зоналарида эса «Тойфий», «Қизил паркатий», «Кишмиш», «Нимранг», («Москобий»), «Иртиш кишмиши», Прелетта чиллаки нав узумларни экиш кейинчалик катта иқтисодий самаралар бериши аниқдир.

Маълумки, 1980 йилни зарбдор меҳнат, ленинча ишлаш йилига айлантириш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси кенг кулоч ёймоқда. Бу меҳнат беллашувига қўшилган бизнинг «Ленинобод» совхозимиз коллективи ҳам барча куч ва имкониятларни боғ ва токзорларни кенгайтириш, ҳосилдорлигини оширишга қаратмоқда. Хўжалигимиз территориясида бу йил 50 гектар мевали боғ ва 100 гектар токзор барпо этиладн. Ўтган йили 20 гектар майдондаги узумзорга шпалерлар ўрнатилган бўлса, бу йил 25 гектар ердаги токлар симбағазларга кўтарилади.

Совхозимизда эски боғ ва токзорларга ишлов бериш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашда ва касалликларга чидамли, тог ва тоғолди зоналарида эса «Тойфий», «Қизил паркатий», «Нимранг», («Москобий»), «Иртиш кишмиши», Прелетта чиллаки нав узумларни экиш кейинги йилларда кенг кўламда олиб борилмоқда. Қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу эса ҳар бир ерда ёш чорвадорлар ўз малакаларини ошириб борадилар. Бу йил комсомол йўлланмаси билан чорвачиликда ишлаш учун яна 900 йигит ва қизни юборишни кўзда тутилмоқда.

Комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини изчил амалга ошириш йўлида ишнинг барча форма ва методларидан тўла фойдаланишлари лозим. Социалистик мусобақанинг оммавийлиги ва ошкоралигини таъминлаш, ички резервлардан фойдаланиш зарур. Ҳар бир коллективда социалистик мусобақага оператив якун ясаб, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш даркор. «Комсомол прожектори» штаб ва постлари халқ контроли группалари билан ҳамкорликда системали равишда рейд ва текширишлар ўтказсинлар. Чорвадорларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча маданий, маиший шароитларни яратиб бериш учун гамхўрлик қилайлик.

Комсомол ташкилотлари чорвачилигида ишлаётган ҳар бир ленинчининг жанговарлигини ошириб боришлари керак. Чорва маҳсулдорлигини оширишда эришилган ҳар бир илғор тажрибани омманинг мулкига айлантирайлик. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш йўлида ички резервлардан унумли фойдаланиш ҳар бир ёш чорвадорнинг шарафли вазифасига айлансин. Шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

М. МАҲМУДОВ,
Область комсомол комитетининг секретари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ТАРТИБГА ЧАҚИРИЛСИН»


Газетамизнинг 19 февраль сонида босилган танқидий мақолага шундай сарлавҳа қўйилган эди. Унда «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» автостанциясида йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат танқид қилинган эди.

— Танқидий хабар, — деб ёзади шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Киршенберг, — 57-Э ҳамда 88-маршрут бўйлаб қатнайдиган шофёрлар ўртасида муҳокама қилинди. Шофёрлар ўртасида инструктаж ўтказилди. Иш вақтида пассажирларга қўполлик қилганлиги учун 57-Э маршрути хайдовчиси ўртоқ Ниёзов огоҳлантирилди.

РЕДАКЦИЯДАН: Танқидий хабарда 15-35 ТНА автобусининг хайдовчиси Мўминовнинг қўполлиги ҳам тилга олинган эди. У ҳозир танаффус вақтини, деб графикдан чиқиб кетган эди. Лекин жавоб хатида ўртоқ Мўминовнинг бундай ноўрин хатти-ҳаракати муҳокама қилинганми, йўқми — маълум қилинмаган.


Биз бошқарма раҳбарларидан аниқ ва лўнда жавоб кутамиз.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



МОСКВА. Бутуниттифоқ электротехника институтининг тарихи мамлакатни электрлаштириш ҳақидаги Ленин ғоялари — ГОЭЛРО плани билан чамбарчас боғлангандир. Бу ерда мамлакатда биринчи бўлиб овозли кино мосламалари, совет телевиденнеси системаси ишлаб чиқилди. Институт олимлари радиотехника илми бўйича катта тадқиқотлар олиб бордилар.

Айни кунларда олимлар доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги кунигача Саян-Шушенск ГЭСининг тўртинчи ва бешинчи агрегатлари учун иккита ярим ўтказгичли мосламалар тайёрлаб бериш учун курашмоқдалар. Суратда: институтнинг юқори вольтли зали.



ТОЖИКИСТОН. Ҳисор тизмаларининг Анзоб довонида йирик қурилма бунёд этилди. Бу СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Тожикистон илмий-тадқиқот бўлимига қарашли «Анзоб» тадқиқот станциясидир. Бу ерда олимлар катта илмий ишлар олиб борадилар. Тадқиқотлар республика халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Суратда: «Анзоб» станциясининг юқори босимли генератори.

В. Кузьмин ва Р. Нетелев фотолари.

ТАСС фотохроникаси.

НАВБАҲОР ИЛҲОМЛАРИ

К Е Л У Р

Келди баҳор, лолазорда сен билан юргум келур,
Адирлар қўйнида айраб, лолалар тергум келур.
Булбулни зорингг эрурман, ишқ билан сармаст доим,
Тор чалиб, хушхон бўлиб ёнингда ўлтургум келур
Гул висолингдан ажаб, бу ташна дил қонмас вале,
Қанча кўрсам жамолингни яна бир кўргум келур.
Суҳбати гул юзли ёр юз дардга дейдилар шифо,
Шул сабаб парвонадек бошингда чарх ургум келур.
Умр баҳорида ёнолмай ўтган дил, у дил эмас,
Ёндим аммо, майлига, оташли давр сургум келур.
Гул баҳор, гул юзлига гул-лола ушлаб Темуро,
Нола айлаб мисли булбул мен қалам сургум келур.

Темур НОРОВ.

ҚУЁШ КАМАРБАСТА

Баҳор таманно-таманно,
юриб аста-аста,
Қуёш гулхонасидин —
ёйди элга гулдаста.
Ясанди, лолазор бўлди
тамоми чўлу чаман,
Кийимлар ораста бўлди,
хаёллар ҳам ораста...
Шифо тилагинг эса тур,
тонг жамолига термул,
Ариқлар қўшиғини
тингла бирпас, хотири хаста.
Боқинг олам малоҳатига
руҳиятчи жононлар,
Қўл-қўлга пайваста бўлсин,
жон-жонга пайваста.

Жамол КАМОЛ.

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ

САМАРАДОРЛИК ва сифат беш йиллиги якунловчи йилининг биринчи чораги ҳам ниҳоясига етди. Ҳадемай халқ хўжалигида янги меҳнат зафарлари, янги юксалишлар даври бўладиган ўн биринчи беш йиллик остонасига қадам қўямиз. Мана шундай пайтда ҳар бир коллектив эришган ва эришаётган муваффақиятларига, йўл қўйилган камчиликларга бир назар ташлаш табиий.

Ўнинчи беш йиллик бизнинг коллектив учун ҳам том маънода самарадорлик ва сифат беш йиллиги, ўсиш-улғайиш йиллари бўлди. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг фаолияти у бажарган иш, тайёрлаган маҳсулот билан баҳоланади. **Шу маънода бизнинг станциямиз ўнинчи беш йиллик бошида — 1976 йилда кунига 10—15 та автомашинага техника хизмати кўрсатган бўлса,** ҳозирга келиб ҳар куни 70—80 та автомашинага хизмат кўрсатмоқда. **Ўтган тўрт йил ичида ишлаб чиқариш ҳажми беш баравар ошди.**

Бундай муваффақиятларга асосан илғор иш усулларини қўллаш, кадрлар малакасини ошириш, улар ўртасида социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш ва кенг авж олдириш туфайли, станция майдонини кенгайтириш, янги техника воситаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли эришилди.

Жумладан, янгийўлликларнинг «Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин» шиори остидаги ташаббуси асосида меҳнатни ташкил этиш жуда қўл келди. Ветеран ишчилар ва тажрибали ремонтчиларга янги ишга қабул қилинган ёшлар биркитиб қўйилади. Ҳар бир мураббий ўз оталиғидаги шогирдларига маълум муддатда маҳорат сирларини ўргатиб, ярим йил — бир йил ичида мустақил ишлай оладиган даражага етказиш мажбуриятини олади. Кўпчилик мураббийлар ўз зиммаларидаги бундай мажбуриятларини муддатидан илгари адо этиб, шогирдларини моҳир ремонтчи қилиб етиштирмоқдалар. В. Сиров, И. Исмагилов, А. Курбонов, Г. Белякэв, А. Абрамов, З. Джемиля, М. Дединский каби ремонтчи слесарлар ана шундай моҳир мураббийлардир.

Шахсий намуна кўрсатиш — шогирдни тарбиялашнинг энг самарали, синалган усули. Ҳар бир устоз ва мураббий аввало меҳнатда ва юриш-турмушда ўзи илғор намуна кўрсатсагина унинг гапи, ўгитлари таъсирчан бўлади. Шогирд мураббийнинг гапидан ҳам кўра унинг фаолиятидан кўпроқ «дарс» олади. Юқорида номлари саналган мураббийлар ва пайтда коллективимизнинг энг илғор ишчилари ҳамдир. Улар шахсий беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариб айни кунларда ўн биринчи беш йиллигининг биринчи ва иккинчи йиллари ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Ўтган тўрт йил ичида станциямиз ишлаб чиқариши билан бирга территорияси ҳам кенгайди. Илгари ташландиқ бўлган жойдан 600 квадрат метр қўшимча майдон ажратиб олинди ва бу ерда автомобилнинг таг қисмларини ремонт қилишда фойдаланадиган 13 та қўшимча чуқурча ташкил этилди. Станцияга ремонтталаб бўлиб келаётган кўпчилик машиналар пачоқланган бўлади. Улар тузатилгач албатта бўяш керак. Шунингдек, шунчаки кўриниши эскирган машиналар ҳам бўялса —янгидек бўлади. Унинг янгидек бўлишини таъминлаш учун бўяш ва қуритиш жараёни сифатини ошириш керак. Станциямиздаги бўяш ва қуритиш камерасида бу жараён аъло сифат билан бажариляпти. Венгриянинг «Афит» маркали бу бўяш ва қуритиш камерасида иккала жараён атиги бир ярим соатда амалга оширилади.

Шунингдек, автомобиллар ғилдиракларининг бир-бирига аниқ параллеллигини регулировка қиладиган постнинг ташкил этилганлиги ҳам техника хизмати ҳажмини кенгайтириш билан бирга иш сифатини янада яхшилади. Автомобилларни техникавий назоратдан ўтказиш, двигателларни ўрта ва капитал ремонт қилиш, юриш ва бошқарув қисмларини ремонт қилиш, пачоқларни тузатиш участкалари ҳам анча кенгайтирилди. Бу участкаларда ишнинг тез ва сифатли бажарилишида Нуриддин Ортиқов, Улуғбек Ғаффорбеков, Одил Мирзоҳидов, Азим Толипов, Кабил Закиров, Ғулом Содиқхўжаев каби мастерларнинг хизмати салмоқли бўляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, коллектив бажараётган ишнинг 60 фоизини Улуғ Ватан уруши инвалидларининг автомобилларига хизмат кўрсатиш ташкил этяпти. Станциямиз «Запорожец» машиналарини ремонт қилишга ихтисослашган. Партия ва ҳукуматимиз Улуғ Ватан урушида Ватанимиз дахлсизлиги учун мардонавор жанг қилиб, шонли Совет Армиясининг ғалабасини таъминлаган уруш қатнашчиларига доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ана шу жанггоҳларда соғлигини йўқотган, ногирон бўлиб қайтган инвалидларга кўрсатилаётган, фақат социалистик тузумгагина хос бўлган беқиёс ғамхўрликни ҳис қилиб, ишлаяпмиз. Бу ишни бажариладиган қатор тадбирлар плани ишлаб чиқилган. Шанбаликда станция территориясида 100 туп дарахт кўчатлари ўтказилади, барча деворлар оқланади, дарвоза ва дераза лар, махсус ускуналар бўялади, 5 тонна металлом йиғиб топширамиз. Шанбаликдан тушган 500 сўм маош ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Станциямиз коллективи хизмат маданиятини, самарадорлик ва сифатни тобора ошира бориб, барча резерв ва имкониятларни эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга сафарбар этаверади.

Х. СОДИҚОВ,
Тошкент автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси 7-станциясининг директори.

ҚАРДОШЛАР КЎРГАЗМАСИ

Республикамизда қардош республикаларнинг рассомлари асарларидан иборат кўргазмалар ташкил қилиш тобора қизғин тус олмоқда. Бу эса республикаларнинг маданий ҳаётини, турмуш шароитининг яқинлашувида катта роль ўйнамоқда, интернационал бирлигини янада мустаҳкамламоқда.

Яқинда Ўзбекистон Рассомлар Союзининг кўргазмалар залида грузиялик театр ва кино санъати рассомларининг асарларидан иборат кўргазма очилди. Кўргазмадан мўйқалам соҳибларининг 150 дан ортиқ асари жой олган.

Кинофильм ва спектаклларга безаклар, персонажларнинг кийим-кечаклари учун ишланган эскизлар кўргазманинг асосини ташкил этади. Кўргазма санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирмоқда.

Б. ТОЖИЕВ.

ОЗАРБАЙЖОНЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР МЕҲМОНИМИЗ

Озарбайжон шаҳар ва район газеталарининг редакторларидан иборат бир группа журналистлар кун кеча Тошкентга келишди. Улар ҳафта давомида Тошкент, Самарқанд, Хоразм областларида бўладилар. Район ва шаҳар газеталари ишлари билан танишадилар ва ўзаро тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Учрашувларда республикамизда бўладиган Озарбайжон кунлари олдидан икки республика қаламкашларининг ҳамкорлиги масалаларя муҳокама қилинади.



Келажагимиз юлдузлари — фарзандларимизнинг тарбиясига алоҳида эътибор бераётган Чиноз шаҳрининг «Правда» номли 2-ўрта мактабида кичкинтойлар билан қизиқарли машғулотлар ўтказилмоқда. Суратда: мактабнинг тайёрлов группасига келган кенжатойлар жонли табиат бурчагини томоша қилишмоқда.

И. Портнов фотоси.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

10 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Холисхон ҚОДИРОВА

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Карима УЗОҚОВА

Солистлар: Комилжон ИБРОҲИМОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Таваккал ТУРСУНОВА, Изомжон САДРИЕВ, Гулчеҳра ЮСУПОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Абдуфаттоҳ САИДОВ (юмор ва сатира).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ҳанифа ОРТИҚБОЕВА олиб боради.

«СРЕДАЗТЕПЛОМОНТАЖ» трестининг

ЎҚУВ ПУНКТИ

футеровкачи-кислоташуворчи ва термоизоляция бўйича изоляровкачиларни тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 18 ва ундан катта ёшдагилар ҳамда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 8—10-синф ҳажмида маълумотлар қабул қилинади.

Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганларга разряд берилади ва улар «Монтажхимзашчита» Тошкент бошқармаси системасида иш билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700031, Тошкент шаҳри, Шпильков кўчаси, 3-уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайларнинг «Марказий бозор» бекати). Телефон: 56-45-46.

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган тресги базасидаги 11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди: ёритиш ва ёритгич тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоғи ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, газ-электр пайвандчи, иккиламчи занжирлар коммутацияси бўйича электромонтажчи, контрольўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган), радио-телевизион аппаратураларга хизмат қилиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1, 2, 3 ЙИЛ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумот билан билим юртига кирган ўқувчилар 3 йил ўқийдилар ва ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат билан ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига кирган ўқувчиларга (киномеханиклардан ташқари) ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси ўташ даврида электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига иш ҳақининг 50 проценти, қолганларга эса 33 проценти берилади.

Совет Армияси сафидан қайтиб келиб электро-монтажчи ихтисосига кириб ўқийдиган йигитларга ётоқхона берилади, ўқиш муддати қисқартирилади (ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ой). Машғулотлар группалар комплектланганидан сўнг бошланади.

Билим юртини тугатганлар техника ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.

Билим юртидаги яхши спорт базасида 13 та спорт секцияси, шунингдек, техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (45, 33, 34, 70, 79, 54, 18, 58, 66, 3, 2-автобуслар, 14, 24, 7, 11, 9, 28-трамвайлар, 2, 6, 16, 13, 15-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.40 — Сарсонлик-саргардонликда (бадиий фильм, 6-серия). 11.55 — Концерт. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Жонажон табиат. 16.45 — Звездочёт. 17.30 — Сизга манзур бўлган шеърлар. 18.00 — Концерт. 18.30 — Фан оламида. 19.00 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Галлага йўл. 1-кўрсатув. 20.15 — Сарсонлик-саргардонликда (бадиий фильм, 7-серия). 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей. «Крылья Советов» — «Динамо» (М). Танаффусда — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.05 — Сўз кетидан сўз келар. 18.30 — Жонажон ўлка. 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Ленинча альбом. 1-фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Шодлик» ансамбли солистларининг концерти. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик зарбдор фронт. 22.20 — Ленин 1918 йилда (бадиий фильм).

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ўқув кўрсатуви. 20.55 — Реклама. 21.10 — Иқтисод ва тежамкорлик учун. 21.40 — Физика. 22.40 — Уттиз ёшга тўлган кун (бадиий фильм).

Урта Осиё темир йўлининг БОШ МАТЕРИАЛ СКЛАДИГА

юк ташувчи (меҳнат ҳақи ишбай), автопогрузка ҳайдовчи, автокранчи, оператор, экспедитор, омборчи бухгалтер

КЕРАК

Склад ишчилари темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзларнинг ҳаммасидан, шу жумладан ишга бориш ва келиш учун бепул билет (шаҳар атрофида яшайдиганлар учун), бир йил ишлагандан сўнг СССРнинг хоҳлаган ерига бориш учун бепул билет ва Урта Осиё темир йўлида бепул юришдан фойдаланадилар.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 30-уй.

Олмалиқ шаҳри, Советская кўчаси, 26-уй.

Бекобод шаҳри, Абесова кўчаси, 176-уй.

Чирчиқ шаҳри, Октябрь кўчаси, 28-уй.

Тошкент область халқ контроли комитети аппарати коллективи область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари А. Х. Путтиевга онаси

Лайло САНДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОЛИМПИАДА ТАРИХИДАН факт ва рақамлар



СТОКГОЛЬМ, 1912 ЙИЛ

V Олимпиада ўйинларининг 1912 йилда Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида ўтказилиши 1904 йилдаёқ маълум бўлган эди. Халқаро Олимпиада Комитетининг қароридан сўнг Швеция пойтахтида катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Жумладан, ташкилотчилар мусобақаларнинг программасини ишлаб чиқадилар. Пойтахтда шоҳона стадион қурдилар.

Олимпиада машъаласи 6 июль куни тантанали суратда ёндирилди. Унда 28 мамлакатдан келган 2541 спортчи иштирок этди. Бу сафар Россия спортчилари кўпчиликни ташкил этишган эди. Мусобақаларда 178 нафар рус спортчиси иштирок этди. Бироқ, уларнинг бирортаси ҳам тузукроқ натижани қўлга кирита олмадилар. Чунки Россияда Олимпиадага тайёргарлик жуда кеч бошланган эди.

Биринчи марта Олимпиада ўйинлари программасига енгил атлетикачилари 5 ва 10 километрга югуриш мусобақалари киритилди. Кейинчалик бу масофага югуриш спортчиларнинг энг оммавий турига айланган.

Енгил атлетикачилар бахсида фин спортчиси Ханнес Колехмайнен ўзига хос рекорд қўйди. У уч хил масофага ўтказилган пойгада маррага биринчи бўлиб етиб келган ва Олимпиаданинг уч олтин медалига сазовор бўлган. Қизиғи шундаки, 5 километрга ўтказилган югуриш мусобақасида финляндиялик спортчи билан бирга Франция вакили Жан Буэн бир хил натижа кўрсатдилар. Лекин, рақамлар маррадаги лентага биринчи бўлиб финляндиялик спортчи тегди, деб ҳисобланганлар.

Норасмий ҳисобда биринчи ўринни майдон эгалари қўлга киритишди. Улар Олимпиаданинг 24 олтин, шунча кумуш ва 16 бронза медалини олдилар. Антик анъанага мувофиқ бу сафар санъатчилар конкурси ҳам ўтказилди.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

МЕРГАНЛАР БАХСИ

Марказий «Пахтакор» стадионида республика мерганларининг мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон XIX спартакиадаси программасига мувофиқ мазкур камондан отиш бахслари йилнинг энг йирик мусобақаларидан ҳисобланади. У резерв кучлар кўригига айланди.

Умумкоманда ҳисобида Тошкент области вакиллари биринчи ўринни эгалладилар, анджонликлар иккинчи, сурхондарёликлар учинчи бўлишди. Шахсий биринчиликда тошкентлик Амалий Усмонова юксак маҳорат кўрсатди. У М-2 машқини бажариб, 2300 очко тўпланди. Яна бир тошкентлик мерган — Валерий Титов 2180 очко билан мусобақа голиби деб топилди.

НАВБАТ ЯРИМ ФИНАЛГА

Тошкентнинг «Меҳнат» ватерполочилари Челябинск шаҳридан қайтиб келдилар. Улар бу ерда ўсмирлар ўртасида ўтказилган СССР чемпионатининг зона мусобақаларида иштирок этишди. Тошкентлик спортчилар барча ўйинларни уюшқоқлик билан ўтказдилар ва фақат ғалабага эришдилар. «Меҳнат» вакиллари турнирда биринчи ўринни эгаллаб, ярим финал мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Финал ўйинлари июль ойида Кишинев шаҳрида ўтказилади.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Кеча олий лига чарм тўп усталари иккинчи тур ўйинларини ўтказишди. «Пахтакор» ўз майдонида «Арарат»ни қабул қилди.

Мамлакат чемпионатининг иккинчи лига 6 зона вакиллари 4-тур учрашувларини ўтказадилар. Пойтахт областининг «Соҳибкор» командаси сафарда «Хўжанд» коллективи билан майдонга тушди. Бу учрашув 1:0 ҳисоби билан тошкентлик футболчилар фойдасига ҳал бўлди. «Старт» эса Андижонда маҳаллий «Шаҳрихонч» футболчиларига қарши тўп суриб, 0:3 ҳисоби билан ютқазиб қўйди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Амударё» — «Ҳисор» — 1:3; «Хива» — «Қаршистроў» — 4:1; «Хоразм» — «Динамо» — 0:0; «Пахтачи» — «Янгиер» — 0:1; «Наримоновчи» — «Ёшлик» — 0:1; «Бухоро» — «Автомобилист» — 2:0.

Навбатдаги 5-тур ўйинлари 9 апрель куни ўтказилади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02891. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1578. 12